



НЕМИС ВА ЎЗБЕК ТОПОНИМЛАРИ ЛИНГВОКУЛЬТУРЕМА СИФАТИДА

*Анорқулов Санжар Искандарович,
ЎзДЖТУ тадқиқотчиси*

Калит сўзлар: *топоним, лингвокультурема, маданият, маданиятшунослик, дунёқараши, миллий хусусият, халқ.*

Жадал ривожланиб бораётган тилшунослик соҳасида, лингвокультурология фанининг ўрни ва қўлланилиш соҳаси ўзгачадир. Унинг тараққиёти “тил ва маданият” муаммосининг долзарблиги билан изоҳланади. Сабаби тил ва маданият ҳар доим ўзаро чамбарчас боғлиқ бўлиб, бир-бирининг ажаралмас қисми ҳисобланади. Шундай экан ҳозирги кунда тилшунослик илмида кўпчиликнинг эътиборини тортаётган тил ва маданият боғлиқлигини бир қатор олимлар томонидан ўрганиб келинишига қарамасдан, жавобини кутаётган саволлар етарлича.

Маълумки, лингвокультурология-маданиятшунослик ва тилшунослик фанлари ўртасида юзага келган фанлараро фан бўлиб, тил ва маданиятнинг ўзаро таъсири ва боғлиқлиги, маданий факторларнинг тилда акс этилишини ўрганади. Лингвокультурологияда тил маданий билимларни вербаллаштирувчи, сақловчи ва узатувчи восита сифатида талқин этилади (Н.Ф. Алефиренко (2010), А. Вежбицкая (2001), Ю.С. Степанов (2004), В.Н. Телия (1996), В.В. Воробьёв (2008), В.А. Маслова (2007). В.В.Воробьёвнинг таърифлашича, лингвокультурология синтезлашган типга мансуб мураккаб илмий йўналиш бўлиб, тил ва маданиятнинг ўзаро боғлиқ муносабатини тизимли методлар ёрдамида тил бирликларида акс этишини тадқиқ этадиган фандир (Воробьёв, 2008, б. 32). Лингвокультурологиянинг фан сифатида шаклланиши ва унинг асосий ҳолатлари ҳақида гапирилганда, деярли барча тадқиқотчилар бу назариянинг илдизи немис тилшуноси В.Ф. Гумбольдтга бориб тақалишини таъкидлайдилар [Ю.С.Степанов, 2004; Ashurova, Galieva,

2018]. Жумладан, В. фон Гумбольдт: “Миллатим тилининг чегараси менинг дунёқарашимни белгилайди”, - деб таъкидлаган [Гумбольдт, 1984].

Лингвокультурология фанининг асосий тушунчаларидан бири бу лингвокультуремадир. Ушбу атама фанга В.В.Воробьёв томонидан киритилган. Лингвокультурема сатҳлараро бирлик бўлиб, ўз ичига шакл ва маънони олади. Унинг асосий хусусиятларидан бири бу, унинг маъносида мужассам бўлган маданий ахборотдир. Ў.Қ.Юсуповнинг фикрига кўра, лингвокультурема ўз семантикасида (маъносида) маданиятнинг бирор бўлагини акс эттирувчи тил ёки нутқ бирлигидир (Юсупов, 2011). Сўздан фарқли равишда лингвокультурема ўз таркибига нафақат тил (лисоний аҳамият касб этадиган), балки маданият (тилдан ташқари маданий маънолар) сегментларини ҳам олади. Кўплаб олимларнинг таъкидлашича, лингвокультурема турли тил шакллари орқали ифода этилиши мумкин. Унга бир сўз (туб, ясама, қўшма, мураккаб), сўз бирикмаси, фразеологик бирлик, мақол, стилистик воситалар, гап, абзац ва ҳатто бутун матн киради (Воробьёв, 2008; Маслова, 2007; Юсупов, 2011; Ашурова, Галиева, 2016).

В.А.Маслова лингвокультуремаларни 9 хил турга ажратади: 1) тилнинг эквивалентсиз луғат қатлами, яъни реалаялар (миллий либослар, таомлар, маросим ва байрамлар, анъаналар); 2) мифологемалар – архетиплар, афсонавий қаҳрамонлар, образлар, маросим ва удумлар, ритуаллар; 3) тилнинг паремиологик фонди (мақоллар, маталлар ва ҳикматли сўзларни); 4) тилнинг фразеологик фонди;



5) эталонлар, стереотиплар, символлар; 6) метафора ва образлар); 7) тилларнинг стилистик қатламлари (адабий/ноадабий ва ҳ.к.); 8) нутқий ахлоқ ва феъл-атвор; 9) нутқ этикети–расмий ва норасмий мулоқот (Маслова, 2007).

Ушбу мақолада тадқиқ этилаётган топонимларни, яъни жуғрофий номларни, биз лингвокультурема сифатида талқин этамиз. Чунки топоним маданий белгиланган лисоний бирлик бўлиб, ўз семантикасида кўплаб миллий анъаналар, рамзлар, образлар, мифологемаларни акс этади. Бу эса ўз навбатида топонимларнинг ҳар бир тилда ўз миллий-маданий талқинига эга эканлигидан далолат беради. Бу фикримиз, топонимларнинг тилнинг эквивалентсиз луғат қатламига, яъни реалаяларга мансублиги билан ҳам асосланади. Маълумки, реалаялар деганда, бир халққа ва миллатга тегишли бўлган ва бошқа миллатда мавжуд бўлмаган тушунчалар ва моддий маданият нарсалари номлари тушунилади. Улар оддий атоқли отлардан фарқли ўлароқ, миллий бўёқдорликка эга (Томахин, 1988; Фёдоров, 2002).

Топонимларнинг миллий маданий хусусиятлари мамлакатнинг табиатини, ҳудуд флораси ва фаунаси, миллий рамзлар, диний ва мифологик қарашлар, маданий қадриятларни акс этишида кўриш мумкин.

Масалан, ўзбек топонимлари орасида ранг компонентли кўплаб топонимлар мавжуд: *Оқдарё, Қорабулоқ, Кўктепа, Оқтепа, Қизилча, Оқсув* ва ҳоказо. Ранг компонентли топонимлар орасида “оқ” компонентли топонимлар нисбатан кўп ва кенг қўлланилади. Бунинг сабаби эса оқ рангининг ўзбек лингвомаданиятида алоҳида аҳамиятга эга эканлиги ва бир қатор рамзий маъноларга эгаллиги билан изоҳланади. Оқ ранги қадимдан поклик, беғуборлик, нафислик, тотувлик, тинчлик ва дўстлик каби рамзларни англатган. Шунинг учун ҳам, ўзбек лингвомаданиятида узоқ йўлдан олдин “оқ йўл” тилаги билдирилади, оқ кабутар эса тинчлик рамзи ҳисобланади. Бизнинг қузатувларимиз, “оқ” ранг

компоненти кўпинча гидронимлар таркибида қўлланади ва “шаффоф, тоза, пок” маъносини ифодалайди. Масалан: *Оқдарё* “тоза, шаффоф дарё”; *Оқбулоқ* “тоза сувли булоқ” маъноларини англатади.

Бир қатор топонимлар ўз маъносида диний ва мифологик қарашларни ҳам акс этади. Маълумки, туркий халқлар диний шаклларида бири анимизм, яъни атрофдаги оламнинг тириклигига эътиқод, ишонч бўлган. Табиат объектлари сеҳр-жоду хусусиятларига эга деб ҳисобланган, яъни улар инсонларга зарар етказиши ёки ҳимоя қилиши мумкин деб тасаввур қилинган. Чунинчи, анимистик дунёқараш чуқур илдизларга эга бўлган ва мифологик образларга бўлган ишонч, ривоятлардаги маълумотлар, демонология терминлари ҳудуд топонимиясида ҳам из қолдирган: *Шайтон қишлоқ, Шайтон жилга, Алвастисой* – “алвастилар (ёвуз рух) макони”. Мазкур мисоллар, кўплаб табиат ҳодисаларини билмаслик ҳисобига табиат кучларини муқаддас билиб, уларга сиғинган ўзбек лингвомаданияти ва дунёқарашининг инъикосидир.

Бу феномен немис тилида ҳам мавжуд. Қадимги германлар политеистик дин вакиллари бўлганлар. Уларнинг дини асосини анимизм ва унинг шаклларида бири бўлган друидлик ташкил этган. Яъни, улар табиат кучлари ва табиат билан боғлиқ бўлган барча ҳодисаларни муқаддаслаштиришган. Қадимги германлар маъбудлар турли хил ўрмонларда, табиат кўйида яшайди деб ҳисоблашган. Шунинг учун ҳам маълум бир тоғлар, ўрмонлар, дарахтзор жойлар муқаддас деб эътироф этилган ва уларда турли диний маросимлар, қурбонликлар амалга оширилган. Бундай диний маркерланган топонимлардан бири Хайделберг шаҳрининг номи. Миллодан аввал 4-5 асрларда кельтлар Хайделберг ёнидаги тоғ устида шаҳарча қурадilar ва кейинчалик ушбу тоғда турли хил мевали дарахтлар, айниқса гилос ва тут дарахтларини кўп экишган. Ушбу тоғни улар муқаддас билишган ва кейинчалик



Heidelbeeren сўзидан Heidelberg номи келиб чиққан.

Баъзи топонимлар ўз маъносида турли миллий ривоятлар ва афсоналарни акс этади. Масалан, Сурхондарёда Чилдухтарон ёки Қирқ қиз дараси мавжуд. Самовий гўзалликка эга бўлган ва қирқта арча дарахти ёки тошларга айланган кизлар тўғрисидаги қайғули афсонанинг турли вариантлари мавжуд. Афсонага кўра, маҳаллий аҳоли бир неча бор ўзга юртдан келган босқинчиларга қарши курашишган. Бир гал душманлар шу қадар кўп бўладики, барча жангчи эркаклар ҳалок бўишган. Шунда аёллар ва болалар қишлоқларини ҳимоя қилишга уринишган. Тор дарада қирқта қиз босқинчиларнинг йўлини тўсишган. Аёвсиз жанг узоқ давом этган. Душман қони анча тўкилган. Қизлар қуршовда қолган сўнгги паллада мўъжиза рўй берган: улар бирданига тошга айланишган. Қўркувга тушган душманлар гўзал воҳага қадам босолмай қочишган. Ўша пайтлардан бери жасур, фидойи ҳимоячи кизлар хотираси учун ушбу жой Чилдухтарон, яъни “қирқ қиз” деб атала бошлаган. Қоя массивини қатор бўлиб беаб турувчи алоҳида тошлар ҳам аёллар исмлари билан аталган: Дилбар –“қалбни ром этувчи, ўғирловчи”, Ситора –“юлдуз”, Шойкокилли –“шоҳона ўрим соч” ва ҳ.к.

Кўплаб топонимлар ўз маъноларида маълум бир лингвомаданиятнинг тарихини акс этади. Масалан, Германияда жойлашган *Konstanz* (Констанз) шаҳри бунинг ёрқин мисолидир. Маълумки,

кўплаб ҳозирги Европа мамлакатлари римликлар томонидан қўлга олинган ва Рим империясига киритилган. 2000 йил аввал, бу ерда қадимги римлик лашкарлар ҳарбий қалъа кўришган ва уни римлик машҳур кўмондонлардан бири Констаций номига кўйишган. Ўзбек топонимлари ҳам қадимги Ўзбекистон территориясида бўлиб ўтган турли тарихий жараёнларни акс этадилар. Бунинг ёрқин мисоли ўзбек этнотопонимлари, яъни Ўзбекистонда яшаб ўтган турли хил миллатлар, элатлар ва уруғларнинг номига кўйилган топонимлар бўла олади: *Араб қишлоқ, Арабхона, Қўнғирот, Қипчоқсой, Жалоир, Аранчи, Барлос қишлоқ, Туркмановул ва бошқалар.*

Баъзи топонимлар номи кундалик ҳаёт асосида шаклланган. Жумладан, “Biel” шаҳрига ном беришда келиб чиқишига кўра қурол, болта маъносини англатиб турувчи бу сўз биринчи марта 1142 йили Bienne сўзидан келиб чиққан. Бунинг сабаби шаҳарда яшайдиган аҳолининг асосий турмуш фаолияти темирчилик бўлган ва кейинчалик бу жой шу ном билан аталиб, халқнинг шундай номлашига сабаб бўлган [Zinsli, 2002, s. 5].

Хулоса сифатида, топонимлар лингвокультурема, яъни маданий белгиланган лисоний бирлик сифатида талқин қилиниши мумкин, чунки улар ўзининг семантикасида маълум бир халқга тегишли бўлган турли хил рамзий маънолар, диний қарашлар ва ривоятлар, халқ тарихини акс этадилар.

Фойдаланган адабиётлар:

1. Алефиренко Н.Ф. Лингвокультурология: ценностно-смысловое пространство языка. – 4 изд., стер. – М.: Флинта-Наука, 2014. – 288 стр.
2. Вежбицкая А. Понимание культур через посредство ключевых слов. – М.: Языки славянской культуры, 2001. – 288 с.
3. Воробьев В. В. Лингвокультурология (теория и методы) – М.: Академия, 2008. – 331 с.
4. Гумбольдт В. фон. Избранные труды по языкознанию. Пер. с нем./Под общ.ред. Рамишвили Г. В.: – М.: Прогресс, 1984. – 400 с.
5. Маслова В. А. Лингвокультурология. – М.: Академия, 2007. – 208 с.
6. Степанов Ю. С. Константы: Словарь русской культуры. – 3-е изд. испр. и доп. – М.: Академический Проект, 2004. – 992 с.



7. Телия В.Н. Русская фразеология. Семантический, прагматический и лингвокультурологический аспекты. – М.: Школа «Языки русской культуры», 1996. – 288 с.
8. Томахин Г.Д. Реалии-американизмы. Пособие по страноведению. – М.: Высшая школа, 1988. – 239с.
9. Федоров А.В. Основы общей теории перевода. – М.: «Филология ТГИ», 2002. – 416 с.
10. Юсупов Ў.Қ. Маъно, тушунча, концепт ва лингвокултурема атамалари хусусида//Стилистика тилшуносликнинг замонавий йўналишларида. Илмий-амалий конференция материаллари. – Тошкент, 2011. –Б. 55-61.
11. Ashurova D.U, Galieva M.R. Cognitive Linguistics. - Tashkent, VneshInvestProm, 2018.
12. Ashurova D.U, Galieva M.R. Text Linguistics. - Tashkent, Turon-Iqbol, 2016.

Аноркулов С. Немецкие и узбекские топонимы как лингвокултуремы. В статье рассматривается лингвокультурологическая сущность топонимов в немецком и узбекском языках. Топоним интерпретируется как один из разновидностей лингвокултуремы, который репрезентирует не только семантическое значение, но и включает в себя культурное значение. Топонимы отражают различные культурные религиозно-мифологические воззрения, народные легенды и предания, исторические факты и др. определенной лингвокультуры.

Anorkulov S. German and Uzbek toponyms as linguoculturemes. The article investigates linguocultural significance of toponyms, i.e. names of geographical places. Toponyms are regarded as linguoculturemes that include not only linguistic meaning, but also the cultural sense. It is due to the fact that toponyms represent different religious and mythological views, national legends, historical facts reflecting culture of a certain linguoculture.